

- \* Тестга яна қандай янгиликлар киритилади?
- \* Германия ёшларида ҳам муаммолар бор экан
- \* Корейлик қизнинг исмини ўзгартиришди
- \* Дунё бойлари тушлигига шерик бўла кўрманг



# Туркистон

Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!

1925 йилдан чиқа бошлаган **ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ** 2000 йил 15 Апрель Шанба. № 30 (14312)

## Ижтимоий мажмуа йиғилиши

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий мажмуасининг ислохотларнинг бориши ҳамда "Соғлом авлод йили" Давлат дастури бажарилишининг 2000 йил 1 чорак якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Миллий мафкура - келажак пойдевори" мавзудаги республика зиёлилари билан учрашувида илгари сурилган масалалар, миллий ғоя ва миллий мафкура тамойилларини шакллантиришнинг янги амалий bosқичи билан боғлиқ вазифалар бажарилишининг бориши муҳокама қилинди.

Мажлисида миллий ғоя ва миллий мафкура концепциясини олим ва мутахассисларни кенг жалб этган ҳолда ишлаб чиқиш юзасидан ишчи гуруҳлари тузилганлиги қайд этилди. Айти пайтда бу масалаларни матбуот ва телевидениеда кенг ёритиш, республика

аҳолисининг барча қатламлари онгига теран сингдириш, илмий жамоатчиликнинг фаоллигини таъминлаш бўйича ҳам аниқ вазифалар белгиланди.

Йиғилишда сўнгги йилларда ижтимоий фанлар, хусусан, фалсафа, тарих фанларидан яратилган дарслик ва бошқа ўқув қўлланмаларида ҳамон эскича қарашлар акс этаётгани танқид қилинди.

Узлуксиз таълим тизимини ижтимоий гуманитар фанлар бўйича янги дарслик ва ўқув адабиётлари билан таъминлаш борасида амалий таклифлар муҳокама қилинди.

Маълумки, 2000 йил Юртбонимиз томонидан "Соғлом авлод йили" деб эълон этилган, халқимизнинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий баркамоллигини таъминлашга йўналтирилган давлат дастури қабул қилинди. Йиғилишда мазкур дастурни амалга оширишнинг янада самарали чоратadbирлари ҳақида мулоҳазалар билдирилди.

## Ҳужжат имзоланди

Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида Япония ҳукумати томонидан мамлакатимизга бегараз ёрдам ажратиш лойиҳасини амалга ошириш ҳақида келишув протоколи имзоланди.

Мамлакатимиз тўқимачилик ва энгил sanoat соҳасини ривожлантириш давлатимиз раҳбарияти томонидан устувор вазифа сифатида белгиланган, бу борада ҳукуратимиз қатор қарорлар қабул қилган. "Ўзбек ипаги" уюшмасининг ташкил этилиши, замонавий ускуналар билан жиҳозланган "Қабул текстайл", "Кибо", "Силк Роуд" каби қўшма корхоналарнинг ишга туширилиши ана шу хайрли тadbирларнинг самарасидир.

Ривожланган тўқимачилик ва энгил sanoat корхоналарининг унумли ишлаши учун, табиийки, юқори малакали му-


тахассислар зарур бўлади. Шу мақсадда Тошкент Тўқимачилик ва энгил sanoat институти билан мустақил япон экспертлари ҳамкорлигида, Япония ҳукуратининг ривожланаётган мамлакатларга бегараз ёрдам кўрсатиш дастури доирасида мазкур институт ўқув-моддий базасини замонавий усулда ташкил этиш ва янги жиҳозлар билан таъминлаш лойиҳаси ишлаб чиқилди. Энди Япония ҳукурати мазкур лойиҳани амалга ошириш учун кетадиган маблағ масаласини кўриб чиқади.

Бу хайрли ишларнинг барчаси Ўзбекистон Республикасининг Таълим тўғрисидаги қонуни ҳамда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг ҳаётга муваффақиятли ва самарали жорий қилиниши йўлида амалга оширилмоқда.

(ЎЗА)

Ёшлар — бизнинг таянчимиз, эртанги кундан умидимиз, савоб ишларимизнинг давомчиларидир. Ҳаммамиз ҳам бу дунёда фарзандларимизни деб, уларнинг бахт-саодати, иқболи деб яшаймиз ва меҳнат қиламиз.

Ислom КАРИМОВ



## ЕР ОЧИБ, СУВ КЕЛТИРУВЧИЛАР ШИЖОАТИ

Хоразм сув қурилиш трести жамоаси вилоятнинг барча хўжаликлариди сув иншоотларини қуриб топшириш, янги ерлар очиш, суғориладиган ерларни мелиоратив аҳолини яхшилаш, ижтимоий ва ишлаб чиқариш объектларини қуриш каби ишларни олиб борадилар. Мазкур трестда жами икки ярим минг ишчи хизмат қилади. Уларнинг кўпчилигини ёшлар ташкил қилади. Яқинда трестнинг ташкил бўлганига эса 30 йил бўлди. Жамоа аъзолари

ўтган 1999 йилни муваффақиятли якунлаган эдилар. 2000 йилда ҳам аҳил жамоанинг режалари улкан. Айти пайтда трестда янгида 269 гектар ер очилди ва ўзлаштирилди. 1,149 гектар суғориладиган ер таъмирланди. Кўли гул Хоразм сув қурилиш трести жамоаси олиб бораётган ибратли ишлардан бутун вилоят аҳли мамнун. Улар айти пайтда ер очиб, ариқлар қазиб далаларга оби-хаёт бағишламоқдалар.

Суратда: илғор ёш механизаторлар (чапдан) Шоназар Отаназаров ва Мурод Матёкубовлар.

(ЎЗА)

## ХОТИРА ЎЙФОНСА ГЎЗАЛДИР

Тошкентнинг Юнусобод туманидаги Бўзсув канали соҳилида барпо этилаётган "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуиди қурилиш ишлари якунига етиб қолди. Ҳозир майдондаги ёдгорлик устунларига мармар билан безак берилляпти, мовий гумбазнинг ички қисмида ганчкорлик ишлари бажарилмоқда.

Шанба кунлари мажмуага маҳалла фаоллари, оқсоқоллар, корхона ва ташкилотлар хизматчилари ҳашарга келмоқда. Тошкентдаги Алоқа,

Юридик, Педиатрия институтларининг талабалари, Юнусобод туманидаги аксарият коллеж ва лицей ўқувчилари ҳам қурувчиларга яқиндан ёрдам бермоқда. Мажмуани том маънода халқ ҳашари йўли билан бунёд этилди, дейиш мумкин.

Халқ ишонган еригагина меҳр кўрсатади. Демакки пойтахтнинг чиройига ҳусн қўшадиган "Шаҳидлар хотираси" мажмуаси ҳам сеvimли масканлардан бирига айланади.

М.ОХУНОВА

# "КАМОЛОТ" — ЁШЛАР ТАЯНЧИ

17 апрелда Ўзбекистон ёшларининг "Камолот" жамғармаси ташкил топганига 4 йил тўлади

## "ҲИСОБ"ЧИ ЙИГИТ



Болалигидан ҳисоб-китоб ишларини тез қилиб, ўртоқлари орасида "ҳисобчи" деб аталган Сардорбекнинг келажакдаги ҳаёти шу оддий ҳолатдан бошланди. Дастлаб у ўрта мактабда, кейинчалик "Ўзбек-турк" лицейига ўқишга қабул қилинди. У ерда чет тили ва компьютерни яхши ўзлаштирган Сардорбек Ҳасанов Шовот тумани, Ал-Хоразмий номидаги ёш математик ва физиклар лицейида ўқишни давом эттиради. Зехни ўткир йигитнинг омади юришиб, 1996 йил ўзи орзу қилганидек Урганч Давлат университети иқтисодиёт факультетининг талабаси бўлди. Айни

пайтда у шу факультетнинг IV-курсида таҳсил олмоқда.

Сардорбекнинг фикрича, замонавий ёшлардан бўлишни хоҳлаган йигит-қизлар билимга чанқоқ, маънавий пок, мустақил фикрлай олишлари лозим. Унинг гапида жон бор. Зеро, миллатнинг эртанги кунни ана шундай ёшларга суянади. Сардорбек бўш вақтини ижодга, санъатга бағишлайди. Гоҳида берилиб шёвр ўқиса, гоҳида қўлига соз олиб чалади. У сардорлик қилаётган "Бўйдоқлар" театри гуруҳи республика мусобақаларида фахрли ўринни эгаллаб келмоқда.

Харакатчан бу йигит ҳозирда ҳисобчилик фани бўйича илмий раҳбари Озод Машарипов билан шу соҳа йўналишида илмий мақолалар тайёрлаб, уларни газета ва илмий-оммабоп журналларда ёритмоқда.

### "Камолот" стипендиати

## ИШОНЧЛИ ҲАМРОҲ


Очиғи "Камолот" жамғармаси тузилганида буниси ҳам бир ташкилот-да, расмиётчиликдан нари ўтолмайди, деб ўйлагандим. Жуда катта хато қилган эканман ўшанда. "Келинни келганда кўр, сепини ёйганда кўр" дейшадику.

Жамғарманинг республика миқёсида олиб бораётган ишлари кўп. Улар турмушнинг ҳар бир жабҳасига етиб бориб, ҳар бир ёш қалбидан бохабар бўлишга интилишади. Йўқса мен каби оддий одамларнинг оддий қизи "Камолот" жамғармаси совриндори бўлармиди?

Тўғри, дўст-дугоналарим ёрдамида мўъжазгина мактабимизда катта ишлар бошладик. Болаларга атаб икки-уч китобчам чиқди. Мендай ёш мутахассисга ишонч билдириб ҳаммасларим мактабимизнинг "Маънавият ва маърифат" соҳасида директор ўринбосари лавозимига лойиқ кўришди. Аммо булар бир ёну, "Камолот"нинг мени "топиб" минглар ичидан танлаб, тақдирлагани бир ён бўлди. Демак, меҳнат қилсанг, ўз касбинга меҳр ва ташаббус билан муомалада бўлсанг, албатта натижаси бўлади.

Мен ишонтариб айтманки, бу ҳали бошланиши. Мен ва мен каби ёшлар келажак авлодни шакллантириш, вояга етказишда куч ва билимимизни аямаймиз. Ва бу ишларда "Камолот" доим ёнимизда собитқаддам бўлишига ишонаман.

**Тилеухан ДАНИЯРОВА,**  
Қорақалпоғистон, Нукус шаҳар  
38-ўрта мактаб директор  
ўринбосари



## ТАДБИРКОР ҲУНАРМАНД

Оилада фарзанд дунёга келса, ота-она, ёру дўстлар қувонади. Ўғилли бўлса, ҳунарманд, уста, полвон бўлсин деб, халқи дуо қилади. Бу ният азал-азалдан қонимизга сингиб кетган.

Қизилтепалик Абдумалик Ҳожиевнинг асли касби дурадгорлик. Маҳалладаги етти ёшдан етмиш ёшгача уни ёш бўлсада уста деб ҳурмат қилишади.

— Меҳнат фаолиятимни 1991 йилдан Қизилтепа туманидаги "Ўзбекистон" жамоа ҳўжалигида уста-дурадгорликдан бошладим, — дейди суҳбатдошимиз. — Оддий тахтадан мўъжиза яратишнинг ўзи менга завқ бағишлайди. Ўймакорлик, ганчкорлик сирларини пухта ўрганиб, халқим олдида керакли инсон эканлигимдан фахрланаман.

Қишлоқлик ҳунарманд йигитнинг орзулари бир олам. Эзгу

ниятларининг амалга ошишида меҳнатининг ҳиссаси катта. Абдумалик ўзи яшайдиган Пастғардийен қишлоғида ёшларга ҳунарини ўргатиш мақсадида "Уста-шоғирд" йўналиши бўйича курс очди. Хайрли иш эртасининг унуми яхши бўлади деганларидек, тадбиркор йигитнинг эл орасида шоғирдлари кўпаймоқда. Улардан: Зафар Узоқов, Абдурахим Рўзиев, Зоир Кароматов, Меҳриддин Муродуллаевлар устачиликни зўр иштиёқ билан ўрганишмоқда.

Бугунги кунда ёшларни ҳунарга ўргатиш, уларни бириктириш жуда қийин. Улардаги истеъдодни кўра билиш ҳам осон иш эмас. Халқнинг дуосини оламан деган ҳар қандай фидойи, тадбиркор энг аввало ўз ҳунарини элига, юртига кўрсатади ва ўргатади. Шу боисданми ҳунармандлик қадимдан улуг саналган. Уни тикламлиқ бизнинг авлодларимиз олдида хатойимиз бўлади. Ҳар бир ҳаракатимиз ҳунарманд ёшларнинг мақсадларига хизмат қилиши керак. Шундагина, Абдумаликдек ёш усталарни мамлакатимизда кашф эта оламиз.

## "ҚУВНОҚЛАР ВА ЗУККОЛАР" САМАРҚАНДДА

— Дилшод, сен жамоадан орқада қоляпсан!

— Карим, нақоратда адашма!

— Шаҳноз, сузилмасдан, қаддинги тик тут!

— Қани болалар кетдик...!!!  
Саҳна орти. Шу сингари нечача хитоблар-у, ҳаяжонларга гувоҳ бўлган бу ер. Зеро, Самарқанд шаҳридаги муҳташам Алишер Навоий Санъат саройи ҳам, бундан мустасно эмас.

Яқинда бу ер ўрта махсус билим юртлири ўртасида ўтказилган "Қувноқлар ва зукколар" кўрик-танловининг якуний босқичида ҳам, яна бир бора мана шундай жўшқин сўзлар билан тўлиб тошди.


Ўзбекистон Республикаси ёшларининг "Камолот" жамғармаси ташаббуси билан республика ўрта махсус касб-ҳунар таълими Маркази ҳамкорлигида ўтказилган ушбу кўрик-танловда Наманган вилоятининг "Атласчи", Жиззах вилоятининг "Сехрли чи-

роқ", Қорақалпоғистон Республикасининг "Саломат" ва Самарқанд вилоятининг "Офарин" жамоалари ўзаро куч синашдилар. Шу кунни саҳна том маънода маҳорат ва билимлар "ринг"ига айланди. Алишер Навоий ҳазратларининг "осон эрмас бу майдон ичра турмоқ" каби мисралари жамоалар вакиллари қалбидан ширга айланган бўлса не ажаб.

Беллашувнинг беш босқичда ўтиши, ёшларнинг билими ва зукколиклари, саҳна маданияти ва юксак актёрлик маҳоратлари қай даражада эканлигини яққол намойиш қилди. Жумладан ёшлар ҳаётидаги бугунги долзарб муаммолар, аждодларимизнинг бой маданий мероси ва ўзбекона миллий қадриятларимизга бўлган ҳурмат-этибор, носоглом руҳдаги экстремистик оқимлар фаолиятини саҳна кўри-

нишида фош этишлари, талабаларнинг ўткир юмор ва сатира нигоҳи, ҳозиржавоблиги-ю, топқирлиги орқали яққол ва самимий тарзда намойиш қилинди.

Эътироф этиш ке-



ҳад қувонтирди. Ижод инсоният руҳини қомиллик, юксаклик сари етаклайди. Зеро, янгилик яратишга мойил бўлган қалбларни салбий ҳислатлар бутунлай тарқ этиши шубҳасиздир. Мазкур беллашув иштирокчилари ижро этган юксак тарздаги саҳна кўри-нишлари эса, у ёки бу муаллифнинг асари асосида эмас, балки ўзларининг ке-ча-ю кундуз қилган тинимсиз меҳнатлари, изланишлари, қолаверса, эркин ижодларининг маҳсулидир. Бу эса уларнинг келажакда халқ ардоқлайдиган буюк инсонлар бўлиб ети-шишларига кафолатдир.

Ҳар қандай беллашув, баҳс ва тортишувларсиз ўтмагандек, бу танловда ҳам ғолиблик учун чинакам кураш авжига чиқди. Қорақалпоғистон Республикасининг "Саломат" жамоаси ғолиблик супасига чиқишдек юк-

сак бахтга мушарраф бўлди. Наманган вилоятининг "Атласчи", Самарқанд вилоятининг "Офарин" жамоаларига фахрли иккинчи ўрин, Жиззах вилоятининг "Сехрли чироқ" жамоасига эса учинчи ўрин насиб қилди. Албатта, ҳар қайси жамоа ўзини ғолиблик пиллапоёсида кўришни жуда-жуда исташар эди. Лекин шунга қарамай улар бу беллашувда дўстлик ғалаба қозонганлигини таъкидлашди.

Танлов ниҳоясига етди. Аммо саҳнага отилиб чиқаётган бу ёшларнинг ҳаёти энди бошланмоқда. Уларни буюк келажак кутмоқда, уларни нурли манзиллар сари элтувчи йўллари доимо нурафшон бўлсин.

**Ақбархон МАГДИЕВ,**  
"Камолот" жамғармаси  
бошқаруви  
матбуот котиби

Кунлар келиб собиқ ДХҚнинг архивлари очилади. Ватан озодлиги ва истиқлол учун курашларда жон фидо этган юртдошларимиз тарихи ўрганилади, деб ҳаёлимизга ҳам келтирмаган эдик, — деди Юнусобод туманида барпо этилаётган "Шаҳидлар хотираси" зиёратгоҳининг очилиши олдидан Миллий матбуот марказида ўтказилган анжуманда сўзга чиққан "Шаҳидлар хотираси" хайрия жамғармаси раиси Наим Каримов.

1999 йилнинг 12 майида Ўзбекистон Президентининг Фармойишига биноан мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш бўйича жамоатчилик комиссияси ва 23 июлда Вазирлар Маҳкамасининг 358 рақамли қарорига мувофиқ "Шаҳидлар хотираси" хайрия жамғармаси ташкил этилган.

## АЖДОДЛАРИМИЗ РУҲИНИ АРДОҚЛАЙЛИК

Жамғарма раисининг таъкидлашича, ҳар бир ишнинг ўзига яраша мураккаблиги бўлгани каби мазкур Фармойиш чиққанидан буён салкам бир йил ўтганига қарамай, вилоятлардан қатагон бўлганлар тўғрисида келадиган хатларга аниқлик киритишда қийинчиликларга дуч келинапти.

— Оддий фуқаро давлат сиёсатини нималарда кўришини қонун пешволари биздан ҳам яхшироқ билишади. Одатда, фуқаролардан келган мактубларга аниқлик киритиш учун, биз хатларни ҳуқуқни ҳимоя қилиш идораларимизга юборамиз. Афсуски, улардан ҳалигача бирорта жавоб олганимиз йўқ. Ахир бу масъулиятсизлик, лоқайдлик эмасми? — таъкидлади Н.Каримов.

Мамлакатимиз раҳбарининг "Тарихий хотирасиз келажак йўқ", деган даъватларига биноан, ички ишлар ва прокуратура ходимлари ҳам ўтмишимиз ва тарихимизга ҳурмат билдирсалар, аждодларимиз руҳи олдида савоб иш қилган бўлар эдилар.


"Туркистон-пресс"

## Миллий мафкурага бағишланди

Навий шаҳридаги "Фарҳод" маданият саройида "Истиқлол - миллатимиз мафкураси" мавзусида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда жамоатчилик вакиллари, талаба-ёшлар иштирок этди. Йиғилишни вилоят ҳокими, вилоят "Маънавият ва маърифат" кенгаши раиси Ф.Дилов бошқарди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов томонидан миллий мафкура масалаларига бағишланган мажлисда илгари сурилган вазифалар Навоий вилояти учун ҳам ўта долзарб эканини таъкидладилар. Юртимиз равақини таъминлаш учун ёшларимизни турли экстремистик оқимлар таъсиридан асраш, уларни халқимизнинг бой маънавий мероси асосида тарбиялаш зарурлигини қайд этдилар.

**Ёркул Умар,**  
ЎЗА мухбири



## ТИЛ ВА ДИЛ УЙҒУНЛИГИ

Одамнинг тили билан дили доимо уйғун бўлиши керак. Улуг инсонлар ҳамма вақт шу жиҳатлари билан улугланганлар. Одам дилидаги нарсаларни тили орқали ифода этади. Ҳар бир одам кимлигидан қатъи назар ўз она тилини эъозлаб уни қадрлайди, чунки у миллатнинг белгиси. Ҳукуматимизнинг "Давлат тили" ҳақида қонун қабул қилиши она тилимизга муносабатни тубдан ўзгартирди. Мустақилликка эришганимиздан сўнг она тилимизнинг кадр-қиммати яна ҳам ошди.

Берунийнинг таърифича "Тил сўзловчи истагини эшитувчига етказувчи таржимондир. Шунинг учун тил замоннинг бирор бир турғун қисми билан чекланиб қолмайди. Агар инсондаги сўз қуввати ҳамма жойга шамол сингари эсувчи бўлмаганда эди, замонлардан ўтувчи хат — ёзиш санъатини келтириб чиқармаганда эди, ўтмиш замоннинг хабарини, айниқса, узоқ замонлар ўтганда ҳозирги замон тилларига қандай кўчириб бўлар эди".

Беруний тилнинг асосий функцияси — кишиларнинг алоқа во-

ситаси эканини тушунган, оғзаки тил ва ёзувнинг муносабатини аниқлаб, ёзувни тил тараққиётининг юқори босқичи деб таърифлайди ва уни оғзаки тилдан юқори кўяди. Беруний кўп тилни билган, жумладан, хоразмий ва турк, форс ва араб тилларидан ташқари грек (юнон), сўғд, ҳинд тилларини ҳам мукамал ўрганган. Беруний учун она тили Хоразм шеvasи бўлиб, у ўз асарларини ўша замоннинг умумий тили ҳисобланган араб тилида ёзади. Олим ўзининг "Сайдана" асарида доривор моддаларнинг номларини 31 тил ва лаҳжада келтириши бежиз эмас.

Бугунги биз ёшлар мустақил Ўзбекистонда XXI аср бўсағасида яшаб, ўқимоқдамиз. Мустақиллик туфайли давлатимизнинг ажнабий мамлакатлар билан сиёсий ва иқтисодий алоқалари кучайиши натижасида ажнабий тилларни билишга эҳтиёж янада ортди. Юртимизда қатор чет тиллар институтлари ташкил қилинди: Андижон чет тиллар институти, Самарқанд чет тиллар институти, Ўзбекистон Давлат Жаҳон Тиллари Университети.

Мен таҳсил олаётган университетда 18 дан ортиқ ажнабий тил ўқитилади, хусусан, инглиз, француз, хитой, испан, итальян, араб, ҳинд, грек ва бошқа тиллар. Бизга кўмаклашувчи қатор тил марказлари ишлаб турибди. Қизиғи шундаки ушбу марказларда тили ўрганилаётган мамлакатлар маданияти тарихи, урф-одатлари ҳақида тўла маълумотлар оламин, шу давлатлар тили орқали ўша юрт аҳлининг дилини ҳам билишга ҳаракат қилмоқдамиз.

Соғлом авлодни тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши экан, биз ёшлар Президентимиз фарзандлари бўлишга интиламиз.

"Амир Темурни бутун дунё танийди, энди унинг халқи тилини ҳам жаҳон танисин", деб айтган эдилар Президентимиз. Менимча бу биз ёшларга қўйилган талаб.

**Н. КАРИМОВА,**  
Ўзбекистон Давлат  
Жаҳон Тиллари  
Университети талабаси

— Талабалар ўз хоҳиш иродаларига бўйсунган ҳолда маърузага қатнашишлари керак, деб ўйлайман. Айрим домлалар эса дарснинг бошидан

Рейтинг усули жорий қилиниб яхши бўлди. Бошида ҳамма ҳам унга тушунмади. Лекин рейтинг талабанинг билим даражасини баҳолаб берадиган адолат ме-

## ЯНА МАЪРУЗА ҲАҚИДА

йўқлама қилиб вақтни ўткази. Дарсига қатнашмаганларни муҳокама қилади.

зони бўлиб қолмоқда. Аслида домла билан талаба ўртасида алоқа олиш борасидаги савол-

жавоблар бўлиши керак. Ҳозир эса айрим талаба билан домла ўртасида "савдо" ишлари тўғрисидаги савол-жавоблар бўлмоқда. Агарда ўқитувчилар биринчи курсданок талабаларга ўзларини қандай билимга эгалликларини кўрсатишганда ёмон бўлмасди.

**Нилуфар МАМАТКУЛОВА,**  
СамДУ педагогика факультети  
3-курс талабаси

## КОРЕЯЛИК ЛОЛАХОН



Зо Сунгуа 1974 йил Корейнинг Сау шаҳрида туғилган. У "Куандок" номли 12 йиллик мактабни 20 ёшида тамомлагач, Корея болалар тарбия институтида таҳсил олди. Монголия, Флипен, Ёкутустон шаҳарларида ўз билимини мустаҳкамлаган. Сунгуа Ўзбекистонга 1999 йил келган. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Миллий университетининг тиллар марказида таҳсил олмақда. Бу хушчақчақ, самимий қиз ўзбек тилида жуда яхши гаплаша олади. Атрофдагилар уни Лола деб

чақиришар экан.  
— Ўзбекистонда лола деган ажойиб дугоналарим мени ўша гулга қиёс этиб чақиришади-да. Ўзбекистон исми ўзимга жуда ҳам ёқади, дейди Сунгуа биз билан суҳбатда.  
— **Нима учун ўзбек тилини ўрганмоқдасиз?**  
— Ўзбекистондек ажойиб юрт борлигини Корейда юрган пайтларим дарсликлардан ўқигандим. Ўз-ўзидан у ҳақда билишга интилдим. Шу қизиқшим юртингизга етаклаб келди.  
— **Ўзбекистон сиз ўйлагандек давлат эканми?**  
— Мамлакатингиз мен ўйлагандан ҳам гўзал экан. Энг аввало шунини айтишим керакки, ўзбек халқидек меҳрибон, самимий, меҳмондўст халқни кўрмаган эдим.  
— **Ўзбек ва Корея ёшлари ўртасидаги фарқ нимада деб ўйлайсиз?**

— Корейликларнинг бекорчи вақтлари йўқ. Талабалар, ўқувчилар эрталаб соат 9.00 дан 17.00 гача дарсда бўлишади. Кейин кутубхонада ўтириб ишлашади, спорт билан шуғулланишади. Яна бир нарсани айтмоқчиман, сизларда ёшлар жуда эрта турмуш қуришар экан. Бизда эса оила қуриш аксарият ҳолларда 25-30 ёшларга тўғри келади.  
— **Олдингизга қўйган мақсадларингиз?**  
— Мен ўзбек тилини мукамал ўрганиб, Афғонистон, Покистон давлатларига бормоқчиман.  
— **Барча ўзбек дўстларингиз номидан келгуси ишларингизга ривож тилаймиз.**  
**Нилуфар ЖАББОРОВА**  
суҳбатлашди

- ДАРС ЖАДВАЛИ:**
- 1 пара  
Талабашўносликка кириш:
  - а) биздан билим олаётган чет элликлар
  - 2 пара  
Домлашўнослик асослари:
  - а) тест ҳақида устозлар фикри
  - б) мактабда зали зам қрозбозлик...
  - 3 пара  
Тарихшўнослик
  - а) германияликлар мана шундай яшамади
  - 4 пара  
Эркин соат:  
Домланинг ўқувчиси билан олган ўчи

ДАРС 1 пара: Талабашўносликка кириш

## ТАЛАБАГА ТЕСТ КАЧОН ДУСТ БУЛАДИ?

Талаба бўлиш ёки бўлмаслик умид билан ҳужжат топширган абитуриент ёшлар учун мисоли ҳаёт ё момот жанги ҳисобланади. Баъзида қабул имтиҳонларида айрим шахсларнинг субъектив фикрлари абитуриент тақдирини ҳал қиларди. Ана шу маънода тест саволларининг таълим тизимига тадбиқ этилиши бир талай муаммолар ва бунинг оқибатида юзага келган норозиликларга барҳам берди.


Бугунги кунда тест синовлари асосида энг билимли, зукко талабалар танлаб олинмоқда. Шу билан бирга тест абитуриент ёки талабалар билим салмоғини орттиришда муҳим омил бўлиб хизмат қиляпти.

Бироқ, Ўзбекистонда тест синовларини ўтказишда муаммолар ҳам йўқ эмас. Республика таълим марказида вилоятлардаги олий ўқув юртларидан МДХ ва ривожланган хорижий давлатлардан келган соҳанинг етук мутахассислари иштирокида бўлиб ўтган илмий-амалий конферен-

ҳолда абитуриент мажбур бўладики, тахминан белгилашга. Натижада, аниқ фанлар устивор бўлган факультетларда талабаларнинг математикадан билим салмоғи 50-55 фоизни ташкил қиляпти. Бундан ташқари давлат гранти билан ўқиётган талаба билан шартнома асосида ўқиётган талабани биргаликда ўқитиш ҳам унчалик тўғри эмас. Бу ҳол умумий савиянинг тушиб кетишига сабаб бўлмоқда. Фикримча шартнома билан ўқиётган талабалар учун алоҳида академик гуруҳлар ташкил қилиб, улар билан муайян режа ва дастур асосида машғулотлар ўтказиш лозим. 3-курсдан кейин бу тафовут деярли йўқолади, бемалол ҳар икки гуруҳни биргаликда ўқитиш мумкин.

**С.АБДУЛЛАЕВА, Давлат Тест Маркази бош эксперти:**

— Абитуриент ҳаяжонли дақиқаларда йўл қўйган биргина хатоси учун ўқишга киролмайди. Мисол учун ўқувчи чет тилидан берилган 36 та саволнинг ҳаммасига бўлма-сада, дейлик 29 тасига тўғри жавоб берди. Бу ўртача ҳисобда 50 балл дегани. Сиз-



ция айнан шу масалага бағишланди. Унда иштирок этган мутахассис ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб тажриба ва тақлифлар билан чиқишди.

**Э.ФАЙЗИБОВ, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти профессори:**

— Техник олий ўқув юртларига талабаларни тест асосида қабул қилишда муаммолар туғилмоқда.

— Мисол учун математикадан берилган ҳар бир савол 5-15 минутни талаб қилади. Бусиз мумкин эмас. Агар биз тест учун берилган умумий вақтни тақсимласак, бир саволга 1,5-2 минут ажратилади. Бу

га маълумки ҳатто 0,9 балл ҳам абитуриентни бир ёғли қиладиган жараёнда 50 балл жуда муҳим. Лекин у салгина эътиборсизлиги оқибатида ана шу муҳим 50 баллни йўқотади. У титул варақасига қайси тилдан саволларга жавоб берганини билдирувчи айланани бўяб белгиламаган. Ёки ўчириб, қайта бўяш оқибатида бир нечта савол йўққа чиқади. Бунинг натижасида кўпчилик ота-оналарда норозилик туғилади. Бу кўнгилсиз оқибатларнинг олдини олиш учун Қозоғистонда, Андижонда тест билан ишлашни ўргатадиган махсус марказлар очилган. Ана шу марказлар оммалаштирилса яхши бўларди.

**Дилбар ТУРҒУНОВА**

### Мулоҳаза учун мавзу

Хукуматимиз муаллимларга ҳамма шарт-шароитларни яратиб бериш, ўқитувчининг обрўсини кўтариш борасида муайян ишларни амалга оширмоқда. Бу яхши, албатта. Лекин яширишнинг ҳожати йўқ, таълим ва тарбия бериш учун барча имкониятлар ортиб боргани сари, мактабда берилаётган дарс машғулоти самарадорлиги, йигит-қизларнинг илм ўрганишга бўлган интилишлари пасайиб бормоқда.

Ҳўш, нега шундай? Қишлоқ ўқитувчисининг уй-рўзғор юмушлари ўз устида ишлашлари, дам олишлари учун бўш вақти кам ёки умуман йўқ деса бўлади... Ўқитувчи умрининг ярмини ўқувчига сарфласа, ярмини турли хил қоғозларни тўлдиришга сарфлайди. Ҳар куни муаллим мактабда олти-етти соат дарс машғулоти ўтса, уйга келиб, икки-уч соатлаб келгуси дарс машғулотига тайёрлана-

тарлар сарфланади.

Услубий фан бирлашма папкаси тутилиб, у аниқ фанлар, ижтимоий фанлар, гуманитар фанлар, раҳбарлари услубий бирлашмасига бўлинади. Ҳар бир фаннинг услубий фан бирлашма дафтари тутилади.

Ҳар бир мактабда фан хоналари мавжуд. Ҳар бир кабинет (хона) ва тўғаракнинг ҳам йиллик (ярим йиллик, ойлик, ҳафталик, кунлик) иш режалари тузилади. Аслида муаллимга нечта болани аъло баҳога ўқитдинг деб эмас, ташкил қилган фан кабинет (хона)лари-га қўлда тайёрланган ностандарт кўргазмали куроллар, техника воситаларидан фойдаланиб дарс ўтишига, қанча қоғозу дафтарларни тўлдирганига қараб баҳо берилган.

Мен қоғозбозликнинг намунаси сифатида муаллимнинг бир соатлик дарс конспектини кўрсатар эдим. Алмисокдан қолган конспект ёзиш тартиби шундайки, худди энди туғилган вақтингдаги оқ матони умр бўйи қўйлак

## МАКТАБ — ҚОҒОЗБОЗЛИК МАСКАНИ ЭМАС

ди. Агар она тили, чет тили, математика, бошланғич синф ўқитувчиси бўлса, дафтар текшириши керак. Ўқитувчи дафтар текширмайдиган соҳа бўйича дарс машғулоти ўтса-чи? Унга ҳам қоғозбозлик юки керакгина ортилган.

Ўқитувчи ўз устида тинмай изланиб, билимини ошириб бориши зарур. Бу масалага ҳам тўлдирилган қоғозларга қараб баҳо берилади. Ҳозир мактабларда ҳар бир муаллимнинг "Ўз устида ишлаш дафтари" ташкил этилган. Бу умумий дафтарга ўқилган илмий, сиёсий, бадий асарлар ёзиб қўйиш талаб қилинади. Бу аслида кимга керак? Албатта, келган комиссияларга кўрсатиш учун... Агар муаллим инсофли бўлса қўшимча адабиётларни ўқиб боради. Аслида ҳеч нарса ўқимай, бировлардан кўчириб ёки юзаки ахборотлар ёрдамида бундай дафтарни тўлдириши ҳам мумкин. Тарбиявий ишлар бўйича синф раҳбарининг зиммасида ҳам бундай дафтарлар кўп. Масалан:

"Ота-оналар билан индивидуал суҳбатлар";  
"Техника воситаларидан фойдаланиш дафтари";

"Паст ўзлаштирувчи ўқувчилар билан суҳбат дафтари";

"Тарбияси қийин ўқувчилар билан ишлаш дафтари";

"Йиллик тарбиявий ишлар режаси";

"Ҳафталик тарбиявий соатлар режаси";

"Кундалик тарбиявий ишлар режаси";

"Давоматни ҳисобга олиш дафтари";

"Синф мажлиси (қарор) дафтари";

"Синф тозалик комиссияси дафтари";

"Синф раҳбари (ҳужжатлар)нинг папкаси";

"Ота-оналар билан алоқа дафтари"

ва ҳаказо, ва ҳаказо...

Муаллим дафтарларни тўлдириш билан овора бўлиб, бола билан ишлашга вақт тополмай қолади. Уни дафтарга ёзишдан мақсад нима?

Бундан ташқари мактабларда услубий фан бирлашмалари ташкил топган. Услубий фан бирлашмаси учун ҳам кўплаб қоғоз ва даф-

қилиб кийиб юришга мажбурсан. Мана, услубий фан хонасига ёзиб қўйилган намунавий бир соатлик дарс машғулоти конспекти:

**I. Дарснинг мавзуси.**

**II. Дарснинг мақсади.**

**III. Дарснинг жиҳози:** бу бўлимга дарс машғулотида фойдаланиладиган кўргазмали куроллар, техника воситалари, дарслик номидан тортиб, услубий фан адабиётларигача ёзилади. Бу кимга керак? Албатта илмий бўлим мудирига ёки бирор текширувчига кўрсатиш учун. Аслида эса ёзиб қўйиб фойдаланмаслик ҳам ёки ҳеч нарса ёзмасдан фойдаланиш ҳам мумкин.

**1. Ташкилий қисм:** бу бўлимга саломлашишдан бошлаб турли кераксиз сўзлар, яъни майда-чуйда гаплар ёзилади. Худди ёзилмас саломлашилмайдигандек...

**2. Ўтган мавзунини сўраш** (такрорлаш, мустаҳкамлаш): бу бўлимга ўтилган мавзу юзасидан бериладиган (сўраладиган) саволлар ёзилади, иложи бўлса жавоблари ҳам ёзилади.

**3. Янги мавзунинг баёни:**

**4. Баҳолаш:** кимни баҳолайсиз? Қандай баҳолайсиз? Бу ҳали номаълум, лекин барибир ёзиб қўйиш шарт.

Мен умуман конспект ёзилмасин демоқчи эмасман. У ўқитувчи билимдонлигининг кўзгуси бўлиши шарт. Юқоридагидек конспект ёзиш тартиби эса муаллим билимсизлигини ниқоблаш воситаси бўлиб қолмайдими? Бундан кўра конспекта мавзунинг номи, янги дарснинг илмий, кенгайтирилган баёни ва уйга бериладиган вазифа ёзиб қўйилса, яхши эмасми?!

Олдимизга қўйилган талаб баркамол авлодни вояга етказиш. Биз эса ҳамон бир томонлама иш юритиб, ҳеч кимга нафи тегмайдиган қоғозлару, дафтарлар билан бандмиз.

**Норйигит ҚОДИРОВ,  
Самарқанд вилояти,  
Каттакўрғон туманидаги  
79-ўрта мактаб ўқитувчиси**

Тахририятдан: Бу фикрлар оддий қишлоқ ўқитувчисининг сўзлари бўлгани учун уни тахирисиз беришга қарор қилдик. Мақолани ўқиган муштарий, Сизда қандай эътирозлар туғилди. Сизни баҳсга чорлаймиз.



## БУГУНГИ "ЁШЛИК"

"Ёшлик" журнаlining шу йилги 1-сониди сотувга чиқди.

Анъанага кўра, журналда ўзбек адабиётининг энг сара асарлари, ёш истеъодларнинг ижод намуналари, шунингдек, бугунги кунимизнинг долзарб мавзулари қаламга олинган публицистик мақолалар чоп этилган.

Журнал мундарижаси ранг-баранг. Унда сиз таниқли ёзувчи Асад Дилмуроднинг "Оқ аждар сайёраси" номли янги фантастик қиссасини, Тўхтамурод Рустамнинг "Капалаклар ўйини" романининг давомини ҳамда ёш ёзувчи Норсафар Имомовнинг "Ердам бер менга, эй журъат!" сарлавҳали қатор мансуралари-

ни "Навр" рукнида ўқишингиз мумкин. "Назм" рукнида эса Абдулла Содик, Садриддин Салим Бухорий, Чўлпон Эргаш, Салима Умарова сингари қатор шоирларнинг ижодидан бахраманд бўласиз. Узоқ Сурхондарё вилоятининг Олтинсой туманидан Тошкентга "шеър излаб" келган ёш шоир Сайфуллоҳ Тоғайнинг дастлабки ижод намуналарига шоир Шукур Қурбон ўз "оқ йўл"ини ёзиб берган. Ушбу фавкулотда самимий шеърларни сиз "биринчи учрашув" рукнида мутолаа қилишингиз мумкин.

"Адабий танқид" рукнидаги ёш тадқиқотчи Малик Мансурнинг "Англаш изтироблари" мақоласида таниқли ёзувчи

Назар Эшонқулнинг "Ёшлик" журналда эълон қилинган "Қора китоб" қиссаси хусусида мулоҳаза юритилади.

Шу билан бир қаторда журналда "Ижтимоий онг. Дунёқараш. Ёшлар", "Жажжи тадқиқот", "Инсон ёнингда ку..." рукнларида ҳам бир қатор қизиқarli мақолалар чоп этилган.

Қуйида сиз ёзувчи Фулом Каримнинг олти ойлик хизмат сафари таасуротлари асосида ёзган "Германияда ёшлар ҳаёти" номли мақоласидан парча ўқидингиз. Ўйлаймизки, "Ёшлик" журналда тўла чоп этилган ушбу мақола ўз ўқувчиларига хориж ёшларининг турмуш тарзи, интилишлари, ўй-орзулари, шахсий ҳаёти, оилавий муносабатлари ҳақида қизиқarli маълумотлар беради.

Германия жаҳоннинг энг тараққий этган мамлакатларидан биридир. 1990 йилда капиталистик ва социалистик Германия ягона давлат бўлиб бирлашди. Бу тарихий воқеа айниқса шарқий Германия ёшлари ҳаётида катта ўзгаришлар ясади.

Немис ёшларига хос сифатлардан

уч баробар арзондир. Театр ва музейлар чипталари ҳам талабалар учун арзон қилинган.

Ҳар бир университет ўз журнаlining нашр этади. Унда илмий хабарлар, талабалар ҳаётига доир муаммолар ёритилади. Собиқ талабалар билан улар ҳаётда нималарга эришганлари ва қан-

бўлган ёшлар учрайди. Аммо шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳозирги Германияда фашизмнинг кучайиши учун шарт-шароит ва замин йўқ. Жамиятнинг асосий кўпчилиги фашистлар ҳукмронлиги йилларини Германия тарихидаги аянчли ва шармандали бир давр сифатида эътироф этишади.

ларида фақат энг зарур жиҳозлар бор. Кийинишда ҳам ортиқча ясантусан йўқ. Бойроқ хонадонлар янги мебель ё бошқа буюмлар харид қилишса, эскиларини кўчага чиқариб қўйишади. Хоҳлаган одам олиб кетиши мумкин.

Ёшлар ҳақида сўз юритганда, албатта, уларнинг қандай оила қуришлари хусусида ҳам тўхталиб ўтиш зарурдир. Кейинги йилларда Германияда расмий никоҳдан ўтиб оила

қуриш камайиб бораётган экан. Бу мамлакатда никоҳдан ўтиш осон, аммо эр-хотин келишолмай қолса, ажралиш мушкулроқ. Яъни, мол-мулкни бўлиш ва бошқа расмиятчиликлар бор. Шулардан қочиш учунми, ёки бундан ҳам кучлироқ сабаблар туфайлими, бир-бирларини ёқтириб қолган йигит ва қиз, кўпинча расмий никоҳдан ўтмай, "дўст" бўлиб яшади. Оилали кишидан кўра бўйдоқлардан даромад солиғи кўпроқ олинади.

Телевидениеда ўттизта программа бўлгани учун ҳар ким ўзи ёқтирадиган бир-икки кўрсатув топа олади. Аслини айтганда, бўш вақтини ҳар куни ойнаи жаҳон қаршисида ўтказадиган немислар кам. Улар дўстона суҳбатлашиб, пиво ёки вино ичишни яхши кўришгани учун, кечқурунлари кафелар гавжум бўлиб кетади. Ҳамёни бўшроқ талаба ҳам бир чашка қаҳва буюриб, соатлаб китоб ўқиб ўтириши ёки таниши учраб қолса, суҳбатлашиши мумкин. Тонг отгунча очик бўладиган диско-текалар ҳам бор.

Немислар ўз мамлакатлари бўйлаб ёки чет элларга сайру саёҳат қилишни хуш кўришади. Дам олиш кунлари поезд билетлари анча арзонлаштирилади.

Немис ёшлари, шунингдек, ўйинкулгу билан ўтадиган турли байрамларни яхши кўришади. Биз Берлиндалигимизда ёз кунларининг бирида ёшларнинг катта байрами — Муҳаббат паради бўлиб ўтди. Чет эллардан ҳам кўп одам келган экан. Берлиннинг катта хиёбонларидан бирига юз минглаб ёшлар йиғилган. Катта машиналарда чолғучилар соз чалиб, раққосалар ўйнаб хиёбондан ўтишарди. Томошабинлар ҳам уларга кўшилиб, рақс тушишади.

Германия ёшлари турмуш тарзига оид кузатишларимнинг қисқача баёни шулардан иборат. Назаримда, немис ёшларининг биз учун ибратли бўларлик хислатлари — мустақил фикрлаш, миллатпарварлик, ўзи танлаган соҳада муваффақиятга эришиш учун ҳормай-толмай курашиш ва китобсеварлик кабилардир.

Фулом КАРИМ

# ГЕРМАНИЯДА ЁШЛАР ҲАЁТИ

бири мустақил яшашга интилишдир. Ўғил ёки қиз бола мактабни битириши биланок, ота-онасидан алоҳида бўлиб яшашга интилади. Ота-оналар бунга қаршилиқ кўрсатиш у ёқда турсин, аксинча қўллаб-қувватлашади. Чунки мустақил ҳаёт одамни тез пиштади, у тезда ўз йўлини топиб олиб, ўз кунини кўриб кетади.

Германия олий ўқув юртларига кириш анча осон-у, битириб кетиш қийинроқ. Стипендия кам таъминланган оилалардан бўлган талабаларга ва унда ҳам қарзга берилади. Талаба диплом олиб ишга жойлашган, йиллар давомида ўз қарзини давлатга тўлаши шарт. Шу сабабли кўп талабалар ўқишдан бўш пайтларида газета сотиш, официантлик, хусусий дарс бериш каби ишлар билан машғул бўлишади. Талабаларнинг машғулотларга қатнаш тартиби курслар бўйича катъий қилиб белгилаб қўйилмаган. Талаба бу йил баъзи фанлардан машғулотга қатнашгиси келмаса ёки бунга вақти бўлмаса, ўз хоҳишига кўра ушбу фанлардан келаси йили бошқа курс талабалари билан таҳсил олиши мумкин. Юқори курсларда одатда ҳафтада бир марта махсус коллоквиумлар ўтказилиб, талабаларнинг мустақил равишда илмий маърузалар қилишларига катта эътибор берилади. Машғулотларга тўла қатнашиш мажбурий эмас. Аммо кимки бирон фан бўйича имтиҳондан ўтолмаса, унга яна икки боргина қайта топширишга руҳсат этилади. Учинчи гал ҳам имтиҳонни топширолмаган талаба университет билан хайрлашиши ҳеч гап эмас.


Германияда муайян фанлар бўйича олий ўқув юртлари учун дарсликлар ёзиб нашр қилиш одат эмас. Масалан, немис талабалари фалсафа фанини бизга ўхшаб дарсликдан эмас, балки йирик файласуфларнинг асарларини мутолаа қилиш орқали ўрганишади. Ўқитувчининг талаби ҳамда талабанинг шахсий қизиқишларига кўра, айрим файласуфлар ижодига кўпроқ эътибор берилиши мумкин.

Талабалар университетлар ошоналарида тушлик қилишади. Бу ерда овқатлар нархи кўчага нисбатан икки-

дай муаммоларга дуч келишгани ҳақидаги суҳбатлар чоп этилади. Бу журналлар кутубхоналар ёки талабалар ошхонасига кириш йўлакларидида қўйилиб, бепул тарқатилади. Ҳар бир университет ўз китоб дўконига эгадир. Уларда кўпроқ талаба ва ўқитувчилар учун зарур бўлган илмий адабиётлар сотилади. Гумболдт университети китоб дўкони Берлиндаги энг катта китоб дўконларидан биридир. Умуман, Германиянинг ҳар бир шаҳрида китоб дўконлари кўп. Биз икки ой бўлган, 350 минг аҳоли яшайдиган Халле шаҳридаги Марказий китоб дўконининг катталиги Тошкентдаги Марказий универмагга баробар келади.

Германияда китобсеварлар учун қулай ҳоллардан бири шуки, янги китоблар ҳақида маълумот берувчи журналлар бепулдир ва улар китоб дўконларида алоҳида жойда тўп-тўп қўйилади. Хоҳлаган киши олиши мумкин. Бундан ташқари, нашриётлар ҳам йилнинг ҳар чорагида нашр қилган китоблари номлари, қисқача мазмуни ва нархи ҳақида маълумот берувчи китобчалар чоп этишади ва булар ҳам китоб дўконлари орқали бепул тарқатилади. Асарларнинг кассеталар ёки компьютер дискларига ёзиб сотилиши ҳам кенг тарқалган. Харидор қидираётган китоб айна пайтда дўконда бўлмаса, дарҳол компьютер орқали буюртма беришади ва уни бир кун кейин қелиб олиб кетишингиз мумкин. Китоб чет элдан буюртма қилинса, бир неча кун кутишга тўғри келади, лекин унга ошиқча нарх қўйилмайди.

Немис ёшларининг ҳаёти айрим муаммолардан ҳам холи эмас, албатта. Иккала Германия бирлашган, собиқ ГДРдаги кўпгина корхоналар рақобатга бардош беролмай ёпилди. Натижада ишсизлик муаммоси кучайди. Тўғри, ишсизлар давлатдан, 1200 марка (ҳозирги курс бўйича 600 доллардан кўпроқдир) миқдорида нафақа олишади. Аммо немисларнинг турмуш тарзини ҳисобга олсак, оилали кишилар учун бу камроқдир. Ишсизлар орасида фашистлар ташкилотларига аъзо



Келажagini ўйлаган талабалар, албатта, ўқишга зўр беришади. Чунки яхши билим ва малакаси бўлмаган одамнинг иш ўрни топиши қийин кечади. Илмий ходимлар учун доимий иш ўрнининг ўзи йўқдир, деса бўлади. Бир олим ўзининг бир неча йилга мўлжалланган илмий лойиҳасини тасдиқдан ўтказиб, бирон илмий марказга ишга жойлашди, дейлик. Лойиҳа амалга оширилгач, олим қанча муваффақият қозongan бўлмасин, энди барибир бошқа жойдан иш излашга мажбурдир. Бу чора олимлар бир жойда муқим туриб қолмасликлари ҳамда янги-янги илмий лойиҳаларни кўтариб чиқишлари учун кўриларкан. Бу ҳол албатта илмий янгилик ва тажрибаларнинг мамлакат бўйлаб тез ёйилишига ҳам ёрдам беради. Довруғли олимларга турли жойлардан ишга таклифлар кўп бўлади. Шу ва бошқа сабаблар туфайли Германияда аҳолининг бир қисми маълум муддатдан сўнг иш жойини ўзгартириб, шаҳардан шаҳарга кўчиб юради. Балким, қисман шунинг ҳам таъсири бордирки, немис ёшлари орасида мол-дунёга хирс қўйиш иллати йўқдир. Бир неча йилдан сўнг бошқа шаҳарга кўчишга тўғри келар экан, ортиқча қақир-қукурни кўпайтиришининг нима кераги бор? Шунинг учун аксарият ёшлар хонадон-

## ТОПҚИР ВА ЗИЙРАКЛАРГА

10 секунд ичида жавоб беринг

1. Нима ҳамма тилда ҳам гапирари?
2. Одамзотда нима кўп?
3. Юқоридан пастга қараб ўсадиган нарса нима?
4. Юки бўлса юради, юксиз тўхтайдиган нарса нима?
5. Қайси ҳайвон қиши бўйи бошини пастга қилиб ухлайди?
6. Қайси сўроққа ҳеч қачон "ҳа" деб тўғри жавоб бериб бўлмайди?
7. Қайси сўроққа ҳеч қачон "йўқ" деб жавоб бериб бўлмайди?
8. Қандай идишни сира тўлдириб бўлмайди?
9. Бўш қоринга нечта тухум ейиш мумкин?
10. Беш ҳарфли сичқон ушлайдиган қопқон топа оласизми?



— Эй қора мушук, керакли рискнингни олу, йўлимни тўсма.

Рассом: А. ҲАКИМОВ

Тонг отди. Мирбозорнинг оппоқ тонги. Узоқ-узоқлардан хўрозларнинг қичқириви эшитилиб турибди. Боболар намоз ўқишни бошлашди, шекилли, азоннинг ширали овози ҳам янгради. Ҳамма нарса янги тонг шуқуҳи билан уйғоняпти. Мана кимдир сигирини боққани етаклаб кетди. Тонгги қуёш шуълалари чорпояда хуррак отиб ухлаб ётган Толмас аканинг ҳам юзини қитиқлади. Уйқуси ширинлик қилиб у ёққа ағдарилди, бу ёққа ағдарилди, бўлмади. Ахийри, кўзини ғира-шира очди. Тонг биррам чиройли, - биррам чиройлики, осмон кўм-кўк, ҳаво мусаффо. Толмас ака бошини чангаллади, кеча бир неча улфатлари билан маззахўраклик қилгани учунми сал боши оғриброқ турибди. Ҳеч тургиси йўқ. Хотини сигир соғяпти шекилли, молхона томондан сутнинг чизчиласи-ю, бузоқчанинг онасига талпиниб бўкириб қўйиши эшитилади.

Бир пайт кўзи сал илинган эканми, хотинининг "Ҳой, дадаси", - деган овозидан чўчиб уйғониб кетди.

— Ҳа, нима дейсан? - деди бўғиқ овозда кўзини ишқалаб

қиз эмиш, шарманда бўлишимни хохлаяпсанми-а, хохлаяпсанми? - ўшқирди Толмас ака.

Ичкарида сергак тортиб буларнинг гапларини эшитиб ўтирган Шахло аллақачон пиқ-пиқ йиғлай бошлаганди.

Бодом опаям нималардир деб қарганиб, ичкарига кириб кетди. Бироқ бу аёлнинг кўзларида умид сезиларди, ҳозир ўзи бир ҳолатда, дам олса инсоф бериб қолар, деган ўй унинг боши узра айланарди.

Боши боягидан ҳам баттарроқ оғриётган Толмас ака нима қиларини билмасди.

— Ўзи кеча нима бўлувди, - хаёлини бир жойга тўплашга уринарди Толмас ака.

Бир нечта қадрдон жўралар, улфатчилик, кайф-сафо. Аввалига ўқиш ҳақида баҳс-мунозара бўлди. Анави Мардон камгап нима деди: "Мен қизим тугул ўғлимни ўқишга қўймадим. Ҳозир замонга ишониб бўладими", дедими?

Фарруҳчи: "Ўғлимниқу ўқитяпман, лекин қиз бола бировнинг ҳасми, оғайни,

# МУНЧОҚҚИНАМ

Толмас ака. — Турмайсизми? - деди кулимсираб турган Бодом опа.

— Бор, ишингни қил, - Толмас ака юзига яна кўрпа тортди. Энди уйқу қаерда дейсиз. Қайтанга баттар кўзолди қоронғилашиб, қайд қилгиси келиб кетди. Зора ўтиб кетар деб ўрнидан турди-ю, юзини муздек сувга чайди. Хиёл кўнгли ёришди, бироқ ҳамон боши оғриброқ турибди. Кўзи билан хотинини қидира бошлади.

— Бодом, ҳой Бодом!

Бодом опа болаларига чой ичираётганмикан уйдан гуяриб чикди.

— Бор, уйни яхтак қилиб, жой сол, сал мазам йўқроқ.

— Чой ичмайсизми? - сўради ҳавотир аралаш Бодом опа.

— Аппетитим йўқ.

— Унда, - деди Бодом опа, у эрига ниманидир айтмоқчи, лекин оғиз жуфтламаганлиги юзидан билиниб турарди.

— Нима унда?..

— Нимайди... бормаисизми?

— Қаёққа?

— Тошкентгада! Шахло сизни кутяпти.

Толмас аканинг юзи баттар тундлашди.

— Йўқ, бормаиман! Қиз бола ўқиб бир гўр бўлармиди?

— Дадаси, ўзингиз... - илтижоли боқди Бодом опа.

— Тўғри, ўзим айтганман, энди ниятимдан қайтдим.

— Битта-ю битта қизимизни ҳам ўқитмаймизми?

— Бор, айтган ишни қил! - бақирди Толмас ака.

— Ахир Шахло бечора қанча тайёрланди, - деди йиғламсираб Бодом опа.

— Бор деяпман сенга, битта-ю битта

эрта-индин боради-кетади, Бекорга фойдасиям йўқ," деди шекилли?

Бунинг устига Сафар дўстининг отаси уришиб ҳам берди: "Нима қиласан ўқитиб, яна яқинроғаммас Тошкентда жойга-а?" Толмас ака ўйлаб қараса ўзи қатори жўраларидан ҳеч ким қизини ўқишга

(хикоя)

қўймапти. Тўғри-да, нима қиламан ўқитиб? Мен ҳам эл қаторида, ўзига ўзи гапирарди Толмас ака.

Яна нима бўлди-ю Толмас ака хотини билан шу масалада жанжаллашиб, даштга Собир деган оғайни ўртоғининг уйига кетиб қолди. Бодом опа эса қизини ўқитмасликка тиш-тирноғи билан қарши эди. Толмас ака у ёқда бир ҳафта турди-ю, бўлиб ўтган гап-сўзларга қарамай қайтиб келди. Яна илгариги ҳазилкаш, дилкаш Толмас акани Бодом опа ҳам илиққина кутиб олди.

Фақат Шахло... Эҳ... У шу бир ҳафта ичида неча марта ўлиб, неча марта тирилди дейсиз. Кунни кун демай, тунни тун демай тайёрланди-ку, нега отаси бундай қилди. Ахир ҳар қандай инсонга ҳам бу алам қилмайдимми?

Энди мунчоқдек кўзларида доим алам-ли аччиқ ёш, жажжи меҳр билан йўғрилган юрагида армон қолиб кетмайдимми? Ўқишга киришга, ўзининг билимига ишонади-ку?

— Нега ҳаёт бунақа-а?

Шахло ана шунга чидолмасди. Отасининг ўзи айтмаганида ўқитувчи бўласан деб, кичкиналигида тиззасида олиб, мунчоққинам деб эркалаб, ўқитувчилик касбига меҳрни ўшанда уйғотмаганиди?



Билади, ҳозир дадасини кўриб йиғлаб юборади. Шахло оёғи тортмаса ҳам ташқарига чикди. Толмас ака ўғли Ҳамидни эркалатарди.

Шахло дадасига мўлтираб, илтижоли қаради, гўё алам-ситамларини, ўқишга кириш учун тортаётган азобларини билдираётгандай.

Толмас аканинг кўнгли эзилиб кетди, қизини кўриб юраги ачишди. Уни шу бир ҳафта ичида, ғам-алам, адои тамом қилганини кўриб турарди. Ранглари оппоқ, кўзларида дув-дув ёш, овқатни ҳам тузук емаганидан оёқда базўр турибди.

Шахло яна йиғлаб уйга кириб кетди, лекин энди у Толмас акани ҳам изтиробга солиб кетганди. Толмас ака қизининг болалигини эслади. Кўзунчоқдек қоп-қора кўзларини, бидирлаб ширинширин орзуларини айтиб беришларини эслади.

— Мунчоққинам менинг, албатта ўқитувчи бўласан, деб қизи бошини силаганларини ҳам эслади. Кўзлари жикқа ёшга тўлди.

— Ўқитаман, албатта ўқитаман. Унга ишонаман, - шивирлади Толмас ака. - Бодом, ҳой Бодом.

Толмас ака шошиларди.

Эрининг юзидаги ўзгаришни кўриб, ажабланган Бодом опа:

— Ҳа, - деди.

— Қизингни қақир!

Бодом опа ҳайрон бўлиб, уйга кириб кетди ва бироздан кейин икки бети қип-қизил Шахлони етаклаб чикди. Шахло уятданми, севинчданми бошини эгиб турарди.

Толмас ака ўзини қатъий тутиб қизи ёнига келди ва:

— Нега кўзларингда ёш, Мунчоқ, - деди. Лекин шу сўзларни айтаётганда негадир овози титраб чикди. - Кетамиз, тез бўл, энди сени жонимни тикиб бўлса ҳам ўқишга киргизаман.

Шахлонинг эса, Шахлонинг эса кўзларидан мунчоқ-мунчоқ ёшлар тўкиларди.

Нилуфар ЭГАМБЕРДИЕВА

## ИСТАК

Талаба партага ўтириб олиб,  
Алланималарни чизиб ташлади.  
Ёзишга дафтари нарёқда қолиб,  
Бечора партани бузиб ташлади.

Буни кўриб домла келди керилиб,  
Партани кўрди-ю, кўзиди жини.  
"Ким битган бўлса ҳам кетсин ёрилиб", -  
Деб ёзиб қўйди-да, болади уни.

Фофур ЖАБИЕВ



Изоҳга ҳожат йўқ

4 пара: Эркин соат

Даре

Рассом: А. ҲАКИМОВ

**УЗА ИСЛОМОБОД.** Покистоннинг Мулавали шаҳрида террорчилар ҳужуми натижасида шиа мазҳабига эътиқод қилувчи 15 киши ҳалок бўлди. Улардан бири полиция ходими эди.

Покистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг маълум қилишича, ҳужум тўрт нафар қуролланган жиноятчи томонидан амалга оширилган. Улар жиноят содир этилган жойдан қочиб кетишга муваффақ бўлган. Ҳозирча ҳеч қайси экстремистик гуруҳ мазкур жиноят бўйича жавобгарликни бўйнига олмаган.

**БУДАПЕШТ.** Венгриянинг Тиса, Бодрог ва бошқа дарёлари ҳавзасида сўнгги бир неча ўн йиллик ичидаги энг кучли сув тошқини кузатишмоқда. Венгрия фавқулодда вазиятлар вазирлиги вакилларининг маълум қилишича, хавфли ҳудуддаги аҳоли кўчирилмоқда, табиий офатга қарши курашга ўн мингдан ошқ киши жалб этилган. Қутқарув ишларида фуқаролар мудофааи ҳамда мамлакат армиясининг махсус бўлинмалари ҳам иштирок этмоқда.

Венгрия ҳукумати аҳолини табиий офат қурбонларига ёрдам кўрсатиш бўйича умумхалқ кампаниясига қўшилишга чақирди ва мамлакат банкларида ҳайрия ҳисоб рақамлари очди.

**СИДНЕЙ.** Ноқонуний равишда Австралияга ўтиб олишга уринган 220 нафар қочқин ўтирган кема Индонезия билан Австралия ораллигидаги сувликларда чуқиб кетган бўлиши мумкин. Канберрада мамлакат муҳожирлик вазири Филип Раддок шундай деди. Унинг таъкидлашича, кема бир неча ҳафта олдин Индонезиянинг Ява оролидан йўлга чиққан, лекин манзилга етиб келмаган. Маълумотларга кўра, кемада Покистон, Эрон, Ироқ, Афғонистон ҳамда Туркиядан келган қочқинлар бўлган.

**ВАШИНГТОН.** АҚШ ҳукумати ҳаво ҳужумидан мудофаа тизимини яратишга ажратган маблағининг миқдори қайта кўриб чиқилди бўлди. АҚШ мудофаа вазирлигининг ҳаво ҳужумидан мудофаа бошқармаси директори, генерал-лейтенант Рональд Кэдишининг таъкидлашича, мамлакат мудофаа вазири Уильям Коэн тавсиясига кўра маблағ миқдори ўзгартирилиши мумкин. У Коэн ўз тавсияномасини ёзда президент Билл Клинтонга тақдим этади.

**ОЛМА-ОТА.** Қозоғистонда сўнгги уч ой ичида тўрт мингдан ортиқ нохуш ҳодиса рўйхатга олинган. Қозоғистон фавқулодда ҳолатлар агентлигининг маълум қилишича, мазкур давр ичида табиий офатлар ҳамда аҳолининг диққатсизлиги туфайли икки мингдан зиёд одам шикастланган, 600 киши ёнғин ёки автомобил ҳалокати қурбони бўлган. Ҳалокатли вазиятга тушиб қолган 6 мингдан зиёдрок киши агентлик хизматчилари томонидан қутқарилган. Мамлакатдаги хусусий ҳамда давлат мулкларига етган зарар 3 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

**МОСКВА.** Россия билан Хитой Окинавада бўлиб ўтадиган "Катта саккизлик" саммитига қадар Владимир Путиннинг Хитойга расмий ташрифи буюражаги ҳақида келишиб олди. Саммит 21-23 июлда ўтказилиши режалаштирилган.

В.Путиннинг Хитойга ташрифи чоғида икки давлат ўртасидаги муносабатлар билан боғлиқ қатор масалалар ҳамда йиллик халқаро муаммолар кўриб чиқилади. В.Путин Хитой раҳбари Цзян Цзэмин билан икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик ҳамда сиёсий соҳада турли даражадаги алоқаларни янада ривожлантириш масалаларини муҳокама қилади.

**НАЙРОБИ.** Сомали жанубида вабо эпидемияси авжига чиқди. Мамлакат пойтахти Могадишодан 300 километр узоқликдаги Бай ҳамда Бакол туманларида юзлаб одамлар шу касаллик қурбонига айланди. Ҳукумат эпидемияга қарши курашда мамлакатдаги бир неча тиббиёт марказларига таянмоқда. Лекин аҳоли пунктларининг катта қисми тиббиёт ходимлари етиб бора олмайдиган ҳудудларда жойлашгани туфайли уларга ёрдам кўрсатиш қийин кечмоқда. Сомалининг жанубий ҳудудларида қарама-қарши гуруҳлар ўртасидаги қуролли тўқнашувлар вазиятини янада чигаллаштирмоқда.

**БУЮК БРИТАНИЯ** қироллигининг артиллерия пол-

кида катта ўғрилиқ содир бўлди. Қурол-яроғ омборидан 35та милтиқ, шунингдек, 19 та "Браунинг" тўппончалари йўқолган. Ўғрилиқ эса одатдаги текширув вақтида аниқланди. Айни пайтда полиция барча йўлларни тўсиб, қидирув ишларини олиб бормоқда. Ҳозирча ўғрилиқни ҳарбий хизматчиларнинг ўзлари амалга оширган бўлиши мумкин, деган фикр ўртага ташланмоқда.

**ФИЛИППИН**да ҳаракат қилаётган "Абу Сайяф" ислом айирмачилари гаровда ушлаб турган ўттизга яқин кишининг икки нафарини озод қилишга рози бўлди. Филиппин миллий мудофаа вазирлиги вакилининг маълум қилишича, айирмачилар озиқ-овқат эвазига икки нафар мактаб ўқувчисини озод қилишга кўнган. Қолганларни озод қилиш учун музокаралар давом этмоқда.

**ҲИНДИСТОН**нинг Гужарат штати ғарбидаги чегарадош ҳудудда Покистон қўшинлари кўпайтириляётгани бу

киши, жумладан, мазкур ташкилот раҳбарлари Абдукарим Убайд ва Мустафо Дироний ҳали қамоқда.

**ҚОХИРА.** Миср билан Канада турли соҳаларда ҳамкорликни кенгайтириб бораётир. 12 апрел куни Қоҳирада Канада Бош вазири Жан Кретьен ва Миср Бош вазири Атеф Убайд ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда асосий диққат-эътибор икки томонлама иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, шунингдек, Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш масаласига қаратилди. Музокаралар натижасида тўртта битим имзоланди. Мазкур ҳужжатларга кўра, Канада Мисрнинг бошқарув ва қонунчилик тизимидаги бир неча лойиҳаларни амалга ошириш учун 5 миллион АҚШ доллари ажратадиган бўлди. Бундан ташқари, битимларда атраф муҳитни муҳофаза қилиш, технология, сув ва кишлоқ хўжалиги соҳаларида шерикликни кенгайтириш кўзда тутилган.

**ПЕКИН.** Хитойда радиоактив чиқиндилар сақланадиган замонавий омбор қурилди. Атраф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича давлат қўмитаси вакилининг айтишича, чиқиндиларнинг бир қисми ер остига кўмилади. Махсус омбор ўзига ҳар йили минг баррелгача радиоактив чиқиндини жойлаштириши мумкин, дейди мутахассислар.

**ҚОХИРА.** Бу ерда миналарни зарарсизлантириш муаммосига бағишланган минтақавий анжуман бўлиб ўтди. Унда қатор араб мамлакатларидан вакиллар қатнашди. Анжуман иштирокчилари миналаштирилган майдонлари бўлган давлатларга молиявий ва техникавий ёрдам кўрсатиш зарурлигини таъкидлади. Шунингдек, давлатлар бу борада ўзаро тажриба алмашиши ва мутахассислар сонини ошириши жуда муҳим экани қайд этилди.

Миналаштирилган майдоннинг кўпчилиги бўйича Миср дунёда биринчи ўринда туради. Маълумотларга кўра, ҳозир Миср ерларида 21 миллиондан зиёд мина бор. Уларнинг 17 миллиони мамлакат ғарбидаги саҳроларда жойлаштирилган. Уларни зарарсизлантириш учун анчагина маблағ керак. Миср ҳукумати бу тадбирни тўлиқ амалга оширишга қурби етмаслиги, қолаверса, миналарни йўқотиш қисман уларни кўмиб кетган давлатларнинг ҳам зиммасида эканини айтаётир.

**ПРЕТОРИЯ.** Сьерра-Леоненинг Кенема шаҳрида қуролланган исёнчи гуруҳлар БМТнинг тинчликпарвар кучлари жойлашган ҳарбий базага ҳужум қилди. Ҳабарларга кўра, отишма бир ярим соат давом этган. БМТ ҳарбийларига жанговар вертолёт ёрдамга келгандан сўнг, исёнчилар чекинишга мажбур бўлди. Қурбонлар ҳақида ҳозирча маълумот йўқ.

Бир неча йилдирки, Сьерра-Леонедаги бирлашган инқилобий фронт жангарилари ҳукуматга қарши курашиб келмоқда. Улар тайёргарлик машқларини қўшни Либерияда ўтказишга ва тез-тез БМТ қўшинларига ҳам ҳужум уюштириб туради.

Сьерра-Леонеда БМТ ҳарбийлари 7 минг кишини ташкил қилади. Уларнинг вазифаси ҳукумат билан исёнчилар ўртасида имзоланган тинчлик битимига риоя этилишини таъминлашдан иборатдир.

**РИМ.** Италия тез кунларда Интернет тармоғида "Портал Италия" деб номланувчи янги саҳифа очмоқчи. Ҳукумат бу учун керакли маблағ ажратишга тайёр, деди Италия Вазирлар Кенгаши раиси Массимо Д'Алема. Янги саҳифага Италия билан боғлиқ барча маълумотлар, турли ахборотларни киритиш мўлжалланган.

**БЕРЛИН.** Германия пойтахтида мактаб ва гимназиялар аҳли оммавий намойиш ўтказди. Ўқитувчи, ўқувчи ва уларнинг ота-оналаридан иборат қарийб 45 минг киши шаҳар марказида тўпланди. Улар ҳафталик дарслар бир соатга оширилганидан норози бўлаётир. Ўқитувчилар касаба уюшмаси вакилларининг гапига қараганда, иккинчи жаҳон урушидан буён Германияда бундай катта намойиш ўтказилмаган.

Берлин сенати ўқитувчилар галаёнини гайриқонуний ҳаракат, деб баҳолади. Шаҳар маъмурияти расмий вакили Михаэл-Андерс Бутц намойишда қатнашган ўқитувчиларга жарима солиниши мумкинлигини маълум қилди.



ҳарбий можаро келиб чиқади, дегани эмас, деди Ҳинди-стон мудофаа вазири Жорж Фернандес. "Вазият у қадар кескин эмас, хавотир олишга ўрин йўқ", деди у журналистлар билан уюштирилган матбуот анжуманида.

**ЛОНДОН** нефт биржасида "қора олтин" баҳоси яна оша бошлади. Пайшанба куни бир баррел нефтнинг нархи 22,80 АҚШ долларига тенг, деб баҳоланди. "Қора олтин" нархининг ошишига нефт экспорт қилувчи қатор мамлакатларнинг нархни 25 доллар атрафида ушлаб туриш учун қазиб олиш миқдорини камайтиришга қарор қилгани сабаб бўлмоқда.

**ПЕКИН.** Хитойда аёллар ва болаларни ўғирлаш билан боғлиқ жиноятлар кўпайиб бормоқда. Маълумотларга кўра, ўтган йилнинг ўзида 7,6 минг аёл ва 1,8 минг бола ўғирланган ва қул сифатида сотилган. Мамлакат ҳукумати ушбу жиноятчиликка қарши оммавий кураш бошлади. Одам ўғирлаб сотиш билан шуғулланган жиноятчи энг оғир жазога тортилажиги маълум қилинди. Бундан ташқари, қўлга тушса, нафақат сотган, балки сотиб олган одам ҳам жазосиз қолмайди.

**ЦЮРИХ.** Цюрих аэропортида қирқ саккиз ёшли тайванлик ишбилармон ҳибсга олинди. Унинг юклари текшириб қўрилганда, СКАД ракетасининг баъзи эҳтиёт қисмлари топилди. Швейцария полициясининг айтишича, жиноятчи юкни Ливияга етказиши керак бўлган. Мамлакат прокуратураси ишбилармон устидан жиноий иш кўзгади.

**БУХАРЕСТ.** Руминия сув ва ўрмон хўжалиги ҳамда атраф-муҳитни ҳимоялаш вазирлиги табиий офатдан қўрилган зарарнинг яқиний натижаларини эълон қилди. Унга кўра, 4-11 апрел кунлари юз берган кучли ёнғингарчилик оқибатида 465 та аҳоли пункти вайрон бўлган. Шунингдек, 9502 та уй, 87957 гектар экин майдони ва 175 йўналишдаги йўл сув остида қолган, қўллаб электр ва телефон тармоқлари ишдан чиққан. Қурбонлар сони етти кишидан иборат.

Ҳабарларга қараганда, мамлакат ғарбида сув сатҳи пасаймоқда. Бироқ, метеорологлар яна ёмғир бўлишини айтаётир. Табиий офат юз берган жойларда ҳукумат томонидан тузилган махсус комиссиялар иш олиб бормоқда. Жабрдийдаларга ёрдам кўрсатиш мақсадида ҳайрия жамғармалари ташкил этиляпти.

**ТЕЛ-АВИВ.** Исроил Олий суди ҳибсда сақланаётган саккиз нафар Ливан фуқаросини озод этиш тўғрисида буйруқ чиқарди. Бир неча кундан сўнг улар ўз ватанига қайтарилади. Шу пайтга қадар ливанликлар бедарак йўқолган исроиллик учувчи Рон Арадни топиш учун гаровда ушлаб турилган эди. Суд қарорига кўра, Ливан фуқароларини зўрлик билан ушлаб туриш асоссиз, деб топилди.

Исроил ҳукумати Р.Араднинг бедарак йўқолишида Ливандаги "Амал" ташкилотининг қўли бор, деган шубҳада. Шу боис, озод этилганлардан ташқари, яна етти

А	Л	И	О	М	О	В	Д	О	Б
К	У	Б	Л	У	М	М	И	Р	О
У	З	Ғ	У	Ҳ	Ғ	А	С	У	М
К	Ш	О	И	Р	О	Н	Т	А	А
Н	И	Д	Д	У	Х	К	К	А	Л
Қ	А	Р	З	И	П	О	В	Ғ	А
А	Г	Ғ	А	Я	Л	С	О	П	А
Р	Р	А	З	А	Д	Т	Ө	Л	М

## БОШҚОЯШҚИ

1. Камёб чопқир жонивор (3).
2. Хўл мева (4).
3. Буржлардан бири (5).
4. Республика-миздаги газета (6).
5. Баҳор таоми (7).
6. "Тошкентим" кўшиғи ижрочиси (9).
7. Узоқ умр кўрувчи қуш (5).
8. Зар қадрини ... биледи (6).
9. Тошкент шаҳридаги туман (7).
10. "Буни умр дерлар" китобининг муаллифи (9).
11. Яхна ичимлик (5).
12. Кўклам ўсимлиги (5).
13. Аёллар тақинчоғи (9).

Тузувчи: Муродхўжа ЗОКИРХЎЖАЕВ

## ЖУМБОҚНИ ТОПА ОЛДИН-ГИЗМИ?

Газетанинг 8 апрель сонинда эълон қилинган бошқотирма жавоблари

1. Гулбашакар.
2. Бедона.
3. Рашид.
4. "Шарқ".
5. "Хуррият".
6. Бузоқ.
7. Наврўз.
8. Мактаб.
9. Марям.
10. Мошхўрда.
11. Қайноға.
12. Хусайн Бойқаро.
13. Чумоли.

## “МУАММОЛАР ГИРДОБИ”

“Туркистон” газетасининг 2000 йил 15 март сонидида чоп этилган “Муаммолар гирдобии” номли танқидий мақоласи ўрганиб чиқилди ва қуйидагилар маълум бўлди:

Тўрткўл тумани ҳокимлиги томонидан “Камолот” жамғармаси туман бўлимининг ёшлар тарбиясига оид қатор аҳамиятли ташаббуслари ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганлиги билан бирга мақолада

### Газета саҳифаланаётганда

кўрсатилган қатор камчиликлар ҳам ўрин олган. Аммо лекин, ушбу айрим камчиликларни бартараф қилиш бўйича зарур чора-тадбирлар белгиланган.

“Камолот” жамғармаси туман бўлимига А.Адакаев номидаги хўжалиқдан 10 гектар ер майдони ажратилди. Ердан самарали фойдаланиш бўйича кўрсатмалар берилди.

“Камолот” жамғармаси туман бўлими қошида 2 та фирма фаолият кўрсатмоқда, уларда 8 нафар ёшлар ишлайди. Бўлим ходимлари учун март ойига иш ҳақлари берилган. Ҳозирги кунда бўлим томонидан тарбиявий мавзудаги учрашувлар, кўрик-танловлар ўтказилмоқда.

“Камолот” жамғармаси туман бўлимида йўл қўйилган айрим камчиликларни бартараф қилиш бўйича тегишли кўрсатмалар берилди.

**А. ИБРАГИМОВ,**  
Қорақалпоғистон  
Республикаси Жўқорги  
Кенгеси раисининг  
ўринбосари

## “ИҚТИДОР-2000”

Юртбошимиз томонидан 2000 йил — Соғлом авлод йили деб эълон қилинган айни муддао бўлди. Зеро, соғлом авлодгина буюк келажақ бунёдкори бўла олади.

“Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси туман бўлими, “Маънавият ва маърифат” туман кенгаши ҳамда болалар ва ўсмирлар ижодиёти маркази ҳамкорлигида “Соғлом авлод йили” муносабати билан “Иқтидор-2000” мавзуда ёш рассомлар асарларининг кўрик-танлови ўтказилди. Туман тарихий музейида ташкилланган кўргазмадан ўрин олган тасвирий санъат намуналарида соғлом авлоднинг эртанги истиқболи, баркамол авлоднинг тарбиялашдаги устун ва муаммолар акс этган.

Бир ҳафта давом этган кўргазма ғолибларининг тақдирлаш маросими чинакамига маънавият байрамига айланиб кетди.

Кўргазмада ғолиблик “Соғлом оила” мавзудаги туркум суратлари учун 48-ўрта мактабнинг тасвирий санъат фани муаллими Р.Абдурахмоновга насиб этди. Чортоқ касб-хунари лицейи муаллими Д.Омонов “Муқаддас аёл” мавзудаги туркум суратлари учун 2-ўринни, болалар ва ўсмирлар ижодиёти маркази тўғарак раҳбари К.Азиев “Шайтон макри” асари учун 3-ўринни эгаллашди.

“Соғлом авлод учун” жамғармаси туман бўлими ғолиб ва совриндорларга ўз мукофотларини топширди.

**И. ЮСУПОВ,**  
Чортоқ тумани


## Ю П Д У З Л А Р САМОДАН СЎЗЛАЙДИ

17 АПРЕЛДАН  
23 АПРЕЛГАЧА

**ҲАМАЛ.** Душанбада ҳамкорлар учрашуви. Сешанба ва чоршанба кунлари соғлиқ, кайфиятингиз яхши эмас. Пайшанбада зиддиятлардан нари юринг. Шанба кунини қувонасиз. Якшанба яқинлар даврасида ўтади.

**САВР.** Ижодкорлар учун самарали кун душанба. Сешанбада кўпдан кўрмоқчи бўлган одамнингизни кутинг. Ишбилармонларнинг омадли кунини — чоршанба. Пайшанба сизни янгиликдан огоҳ этади. Жумада алданиб қолманг. Якшанбадаги хариддан кўнглингиз тўлади.

**ЖАВЗО.** Ҳафта бошида сирли учрашув. Сешанба кунини асабийлашманг. Чоршанба ва жумада ҳамкорлар билан янги битимлар тузасиз. Пайшанба кунини сизни сўроқлашади. Шанбада



кувонасиз. Якшанба кўнглидагидек ўтади.

**САРАТОН.** Душанбада ишлар о'кей. Сешанба кунини яқинлар дийдорлашади. Чоршанбада соғлигингизни авайланг. Пайшанба кунини ишларингиз юришади. Жумада асабни асранг. Шанба кунини ҳаммаси о'кей. Якшанба унутилмас дақиқаларни ҳаёти этади.

**АСАД.** Ҳафта боши ҳамёнингизни тўлдиради. Сешанба кунини зиддиятлардан нари юринг. Чоршанба омадли кун. Муҳим ишларни пайшанбага қолдириг. Молиявий аҳволингизни жуманда яхшилайсиз. Дам олиш кунлари яқинларингизни кутинг.

**СУНБУЛА.** Душанба сизни сирли учрашувларга таклиф этади. Сешанбада дам олинг. Чоршанба ва пайшанба кунлари асабийлашманг. Акс ҳолда жумада кўрпа-тўшак қилиб ётишингизга тўғри келади. Шанба ҳамён учун баракали кун. Якшанбадаги хариддан кўнглингиз тўлади.

**МЕЗОН.** Молиявий аҳволингизни душанба ва пайшанба кунлари яхшилаб оласиз. Сешанбадан кўнгириқ кутинг. Чоршанба кунини тузилган битимлар ўз самарасини беради. Жумада ишлар о'кей. Шанба кунини спорт билан шуғуллангиз. Якшанбада сизни сўроқлашади.

**АКРАБ.** Ҳафта бошида асабни асранг. Сешанба муҳим янгиликдан огоҳ этади. Чоршанбада алданиб қолманг. Ҳамкорлар билан учрашувни пайшанбага, яқинингиз билан эса шанбага қолдиригиз. Якшанбадаги хариддан кўнглингиз тўлади.

**КАВС.** Иқтисодий қийинчиликлар душанбада барҳам топади. Сешанба ва чоршанба кунлари қувонасиз. Пайшанбада сизни алдаб кетишга уринишади. Жума кунини соғлигингизни авайланг. Дам олиш кунлари кўнглидагидек ўтади.

**ЖАДИ.** Муҳим хабардан ҳафта бошида огоҳ бўласиз. Сешанбада сирли учрашув. Чоршанба кунини алданиб қолманг. Пайшанбада зиддиятлардан нари юринг. Шанба кунини саломатлик ҳақида қайғуринг. Дам олиш соатларини ёлғиз ўзингизга бағишланг.

**ДАЛВ.** Душанбада сизни сўроқлашади. Сешанбада ҳамкорлар учрашуви. Чоршанбада зиддиятлардан нари юринг. Пайшанба ва жума кунлари унутилмас дақиқалар ҳаёти этади. Шанбада бойийсиз. Якшанба кунини самарали ижод қиласиз.

**ХУТ.** Ҳафта бошида қувонасиз. Сешанба молиявий аҳволингизни яхшилади. Чоршанба қалам аҳли кунини. Пайшанбада сирли учрашув. Ҳамкорлар билан битимларни жумада тузганингиз маъқул. Дам олиш кунлари кўнглидагидек ўтади.

## Ўқувчилар мусобақаси

Жиззах шаҳрида ўрта махсус, касб-хунари таълими тизими муассасалари ўқувчилари ўртасида футбол бўйича республика биринчилиги мусобақалари ниҳоясига етди. Бир ҳафта давом этган кизгин баҳсларда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан келган 14 жамоа футболчилари ўзаро беллашди.

Мусобақа якунларига кўра, Жиззах вилояти футболчилари биринчи, Тошкент вилояти спортчилари иккинчи ва андижонликлар учинчи ўрин соҳиби бўлди.

**Йўлчи Жўра,**  
ЎЗА мухбири

## БАҲОР... ВУЛҚОНЛАРНИ УЙҒОТДИ

Этна — дунёдаги энг баланд (3340 метр) вулкон ҳисобланади. У Европада, Сицилияда жойлашган бўлиб, яқинда у уйғонди. Уч минг йилдирки икки-уч ойда уйқудан туриб, атрофга тош отади, оловли кул сочиб, табиатни безовта қилади.

Филиппиндаги Майон вулкони ҳам Этнадан ўрнат олди. Аммо у атрофдаги ҳудудда яшайдиган кишилар ҳаёти учун катта хавф туғдиргани боис, 46 минг нафардан зиёд аҳолини хавфсиз жойларга кўчиришга тўғри келди. Майон — одамхўр! У 1814 йилда уйғонганда бутун бошли шаҳар халқини кўмиб юборган, аввалги сафар эса 70 кишининг ёстиғини қуритган эди.

Исландиядаги Гекла вулкони ҳам ўн йиллик уйқудан уйғонди. У 1981 йилда етти ҳафта уйғоқ ҳолатда бўлганида Европа мамлакатларини кул билан қоплаган.

## ТУШЛИК УЧУН МИЛЛИОН ДОЛЛАР

Дунёдаги энг бой одам “Майкрософт” компаниясининг асосчиси ва соҳиби Билл Гейтс. У ақл-заковати туфайли ҳар дақиқада 20 минг доллар даромад қилади. Гейтс шу ерда ишлаб 40 миллиард долларлик мулкка эга бўлди.

У бўш вақтларида бриджд ва гольф уйнаш, сув чанғиси учини ёқтиради, автомобиль ишқибози. Дунёдаги энг қимматбаҳо машиналардан 30 тасини сотиб олган. Масалан, у севиб ҳайдайдиган “Порше-959” автомобили қарийб 400 минг доллар туради. Билл машинасини жуда тез ҳайдайди. Ҳатто бир сафар тезлики ошириб юборгани учун бир неча кун қамоқхонада ҳам ётиб чиққан.

Олти йил муқаддам Гейтс ер шаридаги энг бой-бадавлат куёв эди. Ўттиз тўққиз ёшида у ўзи билан бирга ишлайдиган Мелинда Френчга уйланди. Тўйни Гавай оролида нишонлашди. Миллиардер тўй кунини ҳар хил одамлар бўлмаслигини таъминлаш учун оролдаги барча меҳмонхонадаги жойлар ва самолётдаги ўринларни сотиб олди. Оролда хизматкорлардан бошқа бирорта ҳам бегона одам бўлмади.

1994 йил апрелда Гейтслар оиласида қиз, бир йилдан сўнг ўғил дунёга келди. Миллиардер хотинига тўғиб берган фарзанди учун 10 минг доллардан суянчи берди.

Жуда кўп одамларни дунёдаги энг бой-бадавлат кишининг шахсий ҳаёти қандай эканлиги қизиқтиради. Шунинг учун Билл ва рафиқаси Мелинда яқинда бизнинг қандай яшаётганлигимизни билмоқчи бўлсангиз, марҳамат, меҳмон бўлиб келинг, деган мазмунда эълон беришди. Аммо Гейтслар хонадонига кириш ва унинг оиласи билан бир дастурхон атрофида тушлик қилиш учун бир миллион доллар тўлаш лозим эди. Қаранг, юз киши шундай таклифга розилик билдирди. Билл эса тушган маблағни хотини Мелинда ўқиган университетни ривожлантириш учун сарфлади.

## Уважаемые акционеры

### АО “Узбекская республиканская товарно-сырьевая биржа”

16 мая 2000 года (вторник) состоится очередное годовое собрание акционерного общества по адресу: г.Ташкент, проспект Узбекистанский 53, биржевый зал УзРТСБ

#### Повестка дня:

1. Итоги хозяйственно-финансовой деятельности УзРТСБ за 1999 год.
2. Отчет ревизионной комиссии и заключение внешнего аудитора по итогам проведения хозяйственно-финансовой деятельности УзРТСБ за 1999 год.
3. Утверждение годового баланса за 1999 год, протоколов Наблюдательного Совета и Правления УзРТСБ за 1997-1999 годы.

4. О реорганизации и уменьшении Уставного фонда УзРТСБ.

5. Утверждение внешнего аудитора УзРТСБ на 2000 год.

6. О размерах и порядке выплаты дивидендов акционерам УзРТСБ за 1997-1999 годы.

7. Разное.

Начало собрания в 15.00 часов.  
Начало регистрации в 14.00 часов.

Для регистрации участники собрания должны иметь документ, удостоверяющий их личность документы учредителя (акционера), подтверждающие право владения акциями (сертификат или доверенность).

Справки по телефону - 139-83-77

### Муассис:

**ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ  
«КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ**


Бош муҳаррир  
вазифасини бажарувчи  
**Лайло КАРИМОВА**

Навбатчи муҳаррир  
**Гулнора ХОЛБЕКОВА**



### Таҳририят:

Бош муҳаррир — 133-89-61  
Қабулхона — 136-59-38  
Хатлар бўлими — 133-79-69



### Манзилимиз:

700083 Тошкент Матбуотчилар кўчаси, 32-уй  
Таҳририятта юборилган материаллар қайтарилмайди.  
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан  
фарқланиши мумкин.